

# TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24 Haqiqat online haqiqatonline\_

## ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ДРАЙВЕРЛАРИДАН БИРИГА АЙЛанаДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 февраль куни Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманига ташриф буюриб, ҳудуддаги бир қатор sanoat лойиҳалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб тумандаги юқори кучланишли кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Enco Group" корхонасида бўлди.



си билан ҳамкорликда "Eltech Industrial" технопарки ҳудудида 21 гектар майдонда барпо этилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 60 миллион долларни ташкил этади. Корхона тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг 600 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳа икки босқичда амалга оширилмоқда. Корхона йилига 25 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариши, экспорт салоҳияти 300 миллион долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Айни пайтда қурилиш ишларининг биринчи босқичи 98 фоизга яқунланган, 10 миллион доллардан ортиқ инвестиция ўзлаштирилган. Корхона маҳсулотларини Германия, Латвия, Эстония, Болгария ва МДҲ давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган бўлиб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йиллик экспорт ҳажми 140 миллион долларга етиши тахмин қилинмоқда.

Ўтган йили мамлакатимизга 400 миллион долларга яқин юқори кучланишли кабель маҳсулотлари ва изоляцияланган мис шиналар импорт қилинган. Корхона тўлиқ ишга туширилгандан кейин 150 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи шундай маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Марказий Осиёда бундай йўналишда фаолият юритаётган 12 та корхонанинг 4 таси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келиши қайд этилди. Бу мамлакатимизда электротехника sanoati босқичма-босқич юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоққа айланаётганини кўрсатади.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

13 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида ўтган йилги макрoиқтисодий натижалар қайд этилди. Мамлакатимиз ялли ички маҳсулоти ҳажми 7,7 фоизга ўсиб, 147 миллиард доллардан ошди. Иқтисодий ўсишнинг ярмидан кўпи хизматлар ҳисобига таъминланди. Қишлоқ ҳўжалигида гектардан ўртача даромад 4,5 мингдан 5 минг долларга кўпайди, меҳнат унумдорлиги 4,7 фоизга ошди.

Иқтисодиётга илғор, энергия тежамкор технологиялар кириб келаятгани ҳамда юқори қўшилган қиймат берадиган лойиҳалар кўпайиб бораётгани натижасида бир йил ичида бир долларлик қўшилган қиймат яратишга сарфланган энергия харажатлари 15 фоизга камайди.

Президентимиз 2026 йил учун белгиланган кўрсаткичларга тўхталиб, 6,6 фоизли иқтисодий ўсиш орқали ялли ички маҳсулот ҳажми 167 миллиард долларга етказиш режаси геосиёсий вазият ва иқтисодий шаклланишнинг инобатга олган ҳолда шакллантирилган эҳтиёткор прогноз эканини таъкидлади.

Шу билан бирга, ҳар бир вазир, ҳоким ва тармоқ раҳбари соҳасига

янгича бошқарув олиб кириб, ресурслардан самарали фойдаланса, аънавий экспорт бозорларига боғланиб қолмасдан янги йўналишлар очса, рақамлаштириш ва сунъий интеллект бўйича мутахассисларни жамлаб, инновациялар киритса, ёшларни жалб этиб, "стартап клуб"лар ташкил этса, иқтисодий ўсишни янада юқори суръатларда таъминлаш учун барча имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда стратегик корхоналар самарадорлиги ва харажатларни қисқартириш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Миллий инвестиция жамғармасини бошқаришга жалб этилган "Franklin Templeton" компанияси таҳлилига кўра, корпоратив маданиятни кучайтириш, логистика, рақамлаштириш ва энергия самарадорлиги катта заҳиралар мавжудлиги қайд этилди. 19 та стратегик корхона раҳбарларига харид тизими, логистика, рақамлаштириш ва энергия самарадорлиги бўйича кескин чоралар кўриб, таннархи 10-15 фоизга қисқартириш вазифаси қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## БЎКА — Тараққиёт ва етақчилик масканига айланади

Ривожланиш дастури доирасида туманда 11 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 1 минг 11 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилади. Лойиҳалар доирасида 2 минг 210 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бунинг учун республика бюджетидан 100 млрд. сўм маблағ ажратилмоқда.

Аввал хабар берганимиздек, Зойир Мирзаев Бўка туманини "Тараққиёт ва етакчилик маскани"га айлантириш бўйича келгусида қилинадиган истиқболли лойиҳалар тақдими билан танишган эди. Вилоят раҳбари мазкур лойиҳаларни амалга ошириш бўйича режалаштирилган ишларни масъуллар иштирокида жойига чиқиб, кўздан кечирди.

▼ Жараён



Энг муҳими, туман марказини аҳоли яшаши ва дам олиши учун қулай, замонавий шаҳар муҳитига айлантириш, хизмат кўрсатиш ҳамда туризм соҳаларини ривожлантириш учун зарур инфратузилмалар яратилмоқда.

Тумани комплекс ривожлантириш, sanoat зонасини ташкил

этиш, урбанизация жараёнларини жадаллаштириш, хизмат кўрсатиш ва туризм салоҳиятини оширишга қаратилган аниқ режалар бўйича масъуллар томонидан батафсил ахборот берилди.


Худудларни айланиш жараёнида лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш

манбалари ва масъул ижрокчилар белгилаб олинди. Камчиликларни бартараф этиш, ишларни жадаллаштириш ҳамда ҳар бир ташаббусни натижага йўналтириш бўйича аниқ вазифалар юзасидан топшириқлар берилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги  
Ахборот хизмати

## ▼ Ҳайрат

# Турк насрининг СУЛТОНИ



Ўзбек адабиёти ҳақида сўз бор экан, "Темурбекнинг юртида" Амир Алишербек нафаси билан назм шукухи кезаркан, турк насрининг мезонини Бобур белгилайди. "Тенгри таоланинг инояти ила..." "Бобурия"ни маза қилиб, қийналмай ўқийман, тушунаман, англайман. Тилим ғўлдирамайди. Бироқ, бугунги замон тили билан ёзилган, менга ҳамнафас яшаётган баъзи адабиётлар, қарорлар, журнал, газеталарни ўқишга қийналаман, гўё бегона лаҳжада сўзлаётгандек тилим ғўлдирайди.



## ViLOYAT bo'ylab

CHINOZ tumanida Toshkent viloyati hokimi Zoyir Mirzaev boshchiligidagi 2026-yil hosili uchun paxta navlarini joylashtirish va hosildorlikni oshirish masalalariga bag'ishlangan yig'ilish bo'lib o'tdi. Unda viloyatda chigitni ekish mavsumini o'z vaqtida va sifatli o'tkazish maqsadida qishloq xo'jaligi texnikalari shay holga keltirish, mavjud imkoniyatlardan unumli foydalanish hamda qo'shimcha texnikalarni jalb etish yuzasidan amalga oshirilayotgan ishlar xususida ma'lumot berildi. Tumanda o'tgan mavsumda qishloq xo'jaligi sohasida yo'l qo'yilgan kamchiliklar tahlil qilindi.


TOSHKENT viloyati Iste'molchilar huquqlarini himoya qilish jamiyatlari hududiy birlashmasining navbatdagi Kengashi yig'ilishi bo'ldi. Majlisda 2025-yilda amalga oshirilgan ishlar muhokama qilindi. Yil davomida 913 ta murojaat ko'rib chiqilib, iste'molchilar foydasiga 702 mln. so'm, sud orqali esa qo'shimcha 510 mln. so'm mablag' undirib berilgan ta'kidlandi. Mavjud muammolar muhokama qililib, 2026-yildagi ustuvor vazifalar va murojaatlar bilan ishlash samaradorligini oshirishga qaratilgan qarorlar qabul qilindi.

BEKOBOD tumanida suv resurslaridan tejamkor foydalanish hamda zamonaviy texnologiyalarni joriy etish masalalariga bag'ishlangan o'quv seminari o'tkazildi. Seminarda tomchilatib va yomg'irlatib sug'orish, egiluvchan quvurlar hamda plyonka to'shash usullarining afzalliklari tushuntirilib, ularning suv sarfini kamaytirish va hosildorlikni oshirishdagi ahamiyati misollar bilan yoritib berildi.

TOSHKENT tumani hokimligida hududda xavfsiz muhitni ta'minlash masalalariga bag'ishlangan yig'ilish bo'lib o'tdi. Unda jamoat xavfsizligini mustahkamlash, huquqbuzarliklarning oldini olish hamda profilaktik chora-tadbirlarni samarali tashkil etish masalalari atroflicha muhokama qilindi. Hududlarda tinchlik va osoyishtalikni ta'minlash, aholi murojaatlariga tezkor javob qaytarish hamda idoralararo hamkorlikni kuchaytirish bo'yicha aniq vazifalar belgilab olindi.

O'RTA CHIRCHIQ tumanida "Jaholatga qarshi ma'rifati bilan" shiori ostida targ'ibot tadbiri tashkil etildi. Muloqotda bugungi global axborot makonida turli yot g'oyalarni, diniy niqob ostidagi ekstremistik va radikal qarashlarga qarshi ma'rifiy yondashuvni kuchaytirish, ayniqsa, yoshlar ongida sog'lom dunyoqarashni shakllantirish muhimligi ta'kidlandi. Shuningdek, diniy bag'rikenglik va millatlararo totuvlikni mustahkamlash, internet tarmoqlarida tarqatilyotgan soxta va g'arazli axborotlarga nisbatan tanqidly fikrni shakllantirish, oila va ta'lim muassasalarining tarbiyaviy mas'uliyatini oshirish masalalariga alohida to'xtalindi.

# ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ДРАЙВЕРЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ



Давлатимиз раҳбарига корхонанинг келгусидаги ривожланиш режалари, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича таклифлар тақдимот қилинди.

Президентимиз саннат кооперациясини кенгайтириш, маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш, илгор технологияларни жорий этиш ҳамда экспортбон рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кучайтириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Ташриф давомида Президентимиз Оҳангарон туманидаги "Vades Group" компанияси томонидан амалга оширилаётган юқори технологияли лойиҳа билан танишди.

Мазкур корхонада идентификация учун мўлжалланган микропроцессор модуллари, сим-карталар, шунингдек, транспорт, ижтимоий ва халқаро тўлов карталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 январда "Электротехника саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган. Хужжатда электротехника саноати ва унга ёндош соҳаларни ривожлантириш, юқори технологияли ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш борасида вазифалар белгилаб берилган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шунга мувофиқ, корхона рақамли давлат хизматларини жорий этиш, фуқароларнинг кундалик эҳтиёжлари учун қулай ва хавфсиз тўлов тизимларини шакллантиришда зарур бўлган воситаларни ишлаб чиқаради.

Германиянинг "Infineon technologies" компанияси билан ҳамкорликда "Eltech Industrial" технопарки ҳудудига ташкил этилаётган корхонанинг умумий қиймати 15 миллион долларга тенг.

Айни вақтда қурилиш ишларининг иккинчи босқичи ўн беш фоизга бажарилиб, 7 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган.

Ҳудуди 4 гектар майдонни эгаллаган замонавий мажмуада 100 га яқин янги иш ўрни яратилади, 6 миллион долларлик экспорт амалга оширилади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкин, 2025 йил давомида мамлакатимизга 35 миллион долларлик микропроцессор модуллари, сим-карталар ва турли тўлов карталари импорт қилинган.

Бу ерда қурилиш ишлари 90 фоизга яқунланган, лойиҳа доирасида 14,9 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган. Мазкур корхона тўлиқ ишга тушган, 10 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш кутилимоқда.

Корхонада 300 та янги иш ўрни яратилади, 200 миллиард сўм бюджет тушумлари таъминланади ҳамда 350 миллион долларлик экс-

порт амалга оширилади. Маҳсулотлар Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШ, Африка қитъаси ҳамда Европа давлатларига етказиб берилади.

"Infinity Copper Group" Ўзбекистонда мис қувурлари ва фитинглар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича етакчи ўринни эгаллаб, жами тўртта ишлаб чиқариш корхонасини ўз ичига олади.

Президентимиз мамлакатимизда мис қувурлари ва фитинглар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга саннат маҳсулотлари улушини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Бундай замонавий, рақобатбардош корхоналар сонини кўпайтириш орқали ички бозор эҳтиё-



паниалари билан ҳамкорликда 10 гектар майдонда амалга оширилаётгани, унинг умумий қиймати 36 миллион долларга тенг экани ҳақида маълумот берилди.

Бу ерда қурилиш ишлари 90 фоизга яқунланган, лойиҳа доирасида 14,9 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган.

Ўзбекистонга 2025 йилда 15 миллион долларлик мис қувурлар ва фитинглар импорт қилинган. Мазкур корхона тўлиқ ишга тушган, 10 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш кутилимоқда.

Корхонада 300 та янги иш ўрни яратилади, 200 миллиард сўм бюджет тушумлари таъминланади ҳамда 350 миллион долларлик экс-

порт амалга оширилади. Маҳсулотлар Бирлашган Араб Амирликлари, АҚШ, Африка қитъаси ҳамда Европа давлатларига етказиб берилади.

"Infinity Copper Group" Ўзбекистонда мис қувурлари ва фитинглар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича етакчи ўринни эгаллаб, жами тўртта ишлаб чиқариш корхонасини ўз ичига олади.

Президентимиз мамлакатимизда мис қувурлари ва фитинглар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга саннат маҳсулотлари улушини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Бундай замонавий, рақобатбардош корхоналар сонини кўпайтириш орқали ички бозор эҳтиё-

жани тўлиқ қондириш ва экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу тумандаги "Premier" маиший техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонасида ҳам бўлди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда электротехника саноатини ривожлантириш ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Натижада тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи, экспорт бозорларига рақобатбардош ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгайди.

Давлатимиз раҳбарига "Eltech Industrial" технопаркида амалга

кинчи ўринда туради.

Келгусида мажмуа тўлиқ ишга тушишининг ҳисобига 87 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутуляпти.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг иш жараёни, маҳсулотлари сифатини кўздан кечирди. Мутахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашди.

Шу ернинг ўзиде корхонанинг 2026-2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури тақдимот қилинди. Мамлакатимиздаги электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг кўрғазмаси билан танишилди.

Давлатимиз раҳбарига "Eltech Industrial" технопаркида амалга

кинчи ўринда туради.

Келгусида мажмуа тўлиқ ишга тушишининг ҳисобига 87 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутуляпти.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг иш жараёни, маҳсулотлари сифатини кўздан кечирди. Мутахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашди.

Шу ернинг ўзиде корхонанинг 2026-2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури тақдимот қилинди. Мамлакатимиздаги электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг кўрғазмаси билан танишилди.

Давлатимиз раҳбарига "Eltech Industrial" технопаркида амалга

кинчи ўринда туради.

Келгусида мажмуа тўлиқ ишга тушишининг ҳисобига 87 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутуляпти.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг иш жараёни, маҳсулотлари сифатини кўздан кечирди. Мутахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашди.

Шу ернинг ўзиде корхонанинг 2026-2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури тақдимот қилинди. Мамлакатимиздаги электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг кўрғазмаси билан танишилди.

Давлатимиз раҳбарига "Eltech Industrial" технопаркида амалга

кинчи ўринда туради.

Келгусида мажмуа тўлиқ ишга тушишининг ҳисобига 87 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутуляпти.

оширилаётган ишлар ва истиқболли режалар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Технопарк электротехника саноатини янги босқичга олиб чиқиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт географиясини кенгайтиришга қаратилган йирик саннат кластерига айланмоқда. Технопарк тўртта ҳудуддан иборат, умумий майдони 362 гектарни ташкил этади. Ҳозирги кунда 4 та лойиҳа ишга туширилган, 27 та лойиҳа шакллантирилган. Умумий қиймати 797 миллион доллар бўлган корхоналарда минглаб янги иш ўринлари яратиш ва салмоқли экспорт ҳажмига эришиш режалаштирилган.

Ишга туширилган корхоналарда мис қувурлари ва фитинглар, микропроцессор модуллари ва сим-карталар, юқори қуллашчи кабеллар ҳамда маиший техника маҳсулотла-

ри ишлаб чиқаришмоқда. Келгусида ўта юққа мис фолгаси, бошқарув ва СИП кабеллари, робототехника ва электроплаталар каби янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилади.

Электротехника саноатини иқтисодий таъминлаш драйверларидан бирига айлантириб, қўрсаткичларни келгусида ўн миллиард долларга етказишни стратегик мақсад қилиб қўйишимиз зарур. Бундан

ушун ички ва ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда соҳа учун етук, замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишимиз шарт, – деди давлатимиз раҳбари.

Манба: president.uz

## ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

– Иқтисод қилиш режаси ишлаб чиқаришни камайитириш ҳисобидан эмас, балки маҳсулот таннархини қисқартириш орқали таъминланиши шарт, – деди Президентимиз.

Шунингдек, стратегик корхоналарни "Ягона газначилик" ахборот тизими билан қамраб олиш, харидларни риск-таҳлил асосида тоифалаш орқали самарасиз харажатларга чек қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳудудий саноатни ривожлантиришдаги камчиликлар кескин танқид қилинди. Уч йилда республика саноати 21 фоиз ўсган бўлса-да, қатор туманларда бу кўрсаткич 10 фоизга ҳам етмагани, айрим ҳудудларда кредит ресурслари ва инвестицияларнинг ўсиши саноат ўсишига мутаносиб таъсир кўрсатмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига 12 та туманга бориб, бир ой жойида ишлаш, ишлаб чиқариши пайсанга корхоналарни "оёққа турғаз" ва ушбу туманларда саннат ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Умуман, республика саноатини камида 8,5 фоизга ўстириш бўйича тармоқбай ва худудбай режаларни тасдиқлаш, биринчи чорак якунида аниқланган муаммолар ва уларнинг ечимига қараб, раҳбарлар фаолиятига баҳо бериш белгиланди.

Юртимизда йилига 650 минг донга автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга 4 та йирик корхона мавжудлиги, бу йил 300 дан зиёд маҳаллий корхоналар билан кооперация асосида яна 763 та детал ишлаб чиқаришни бошлаш ҳамда автомобиль ишлаб чиқаришни 510 мингтага етказиш зарурлиги таъкидланди. Аҳоли талабини рағбатлантириш мақсадида автокредит ставкаларини пасайтириш ва

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ҳажмини ошириш чораларини қўриш топширилди.

Инвестицияларни жалб этиш ва лойиҳаларни самарали амалга ошириш бўйича янги бошқарув ёндашувлари белгиланди.

Жорий йил 50 миллиард доллар хорижий инвестиция олиб келиш режаси қўйилгани, янги лойиҳалар биринчи навбатда юқори қўшилган қийматли ва экспортбон маҳсулот ишлаб чиқаришга, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда юқори даромадли иш ўринлари яратишга хизмат қилиши зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар ва ҳокимларга 2026 йилги инвестиция дастурига киритилаётган ҳар бир лойиҳанинг бозори, экспорти, қўшилган қиймати ва яратадиган иш ўринларини тўлиқ таҳлил қилиш топширилди.

Эндиликда инвестиция лойиҳалари билан ишлашда лойиҳани ишга тушириш билан чекланиб қолмасдан, унинг тўлиқ ишлаши, юқори қўшилган қиймат яратиши ва ташқи бозорга чиқиши бўйича ҳам қатъий назорат ўрнатилди. Шу мақсадда дастурга кирган ҳар бир лойиҳани ишга тушгандан кейин уч йил давомида мониторинг қиладиган "Ягона миллий лойиҳа бошқаруви" платформаси яратилди.

Утган йили турли ташкилий муаммолар сабаб 55 та йирик лойиҳа кечиккани қайд этилиб, бу йил қиймати 165 миллиард долларлик 377 та стратегик лойиҳа алоҳида назоратга олиниши белгиланди.

Шунингдек, хорижий ташрифдор доирасида 135 миллиард долларлик келишувларга эришилгани, жорий йилнинг ўзиде Туркия билан 9 миллиард, Покистон билан 1 миллиард 428 миллион долларлик инвестиция битимлари имзолангани маълум қилинди.

Инвестицияларнинг кўпайиши



ҳисобига қурилиш ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди. Мутасаддиларга жорий йилги қурилиш ҳажмини 400 триллион сўмга олиб чиқиб, соҳада камида 17 фоиз ўсишни таъминлаш топширилди. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси учун бюджетдан 40 триллион сўм ажратилаётгани қурилиш, қурилиш материаллари, металлургия ва электротехника корхоналари учун катта бозор экани қайд этилди.

Шу билан бира, худудлардаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниялари назоратини кучайтириш, Қорақалпоғистон, Самарқанд ва Фарғонада буюртмачи хизматларига тажриба тариқасида хусусий секторни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Энергия самардорлигини ошириш масалалари бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар берилди.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг йиллик энергия истеъмоли катталиги ҳисобга олиниб, бу тоифадаги корхоналарда энергия самардорлик бўйича янги тизим жорий этилиши

ва уч йиллик дастур ишлаб чиқириш белгиланди. 2026 йилда кичик ва ўрта корхоналарда 100 миллион куб.метр газ ва 500 миллион киловатт-соат электрни тежаш чораларини қўриш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, республикадаги 917 мингта ёритиш чироқларининг йилга 330 миллион киловатт-соат электр сарфлаётгани ва кундуз кўни ҳам ёниқ қолши ҳолатлари учраётгани кўрсатилиб, ёритиш устунларига кичик қувват панели, батарея ҳамда кун ёришишга қараб, ўзи ўчиб-ёнадиган датчик ўрнатиши бошлаш топширилди.

Иқтисодий ўсишни ташқи бозорлар ҳисобидан таъминлаш масаласи йиғилишининг алоҳида йўналиши бўлди.

Президентимиз "ички бозордаги талабнинг ўзи билан юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмамлиги"ни таъкидлаб, вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг асосий вазифаси янги маҳсулотлар билан янги бозорларга кириб бориш бўлиши зарурлигини қайд этди.

Утган йили экспорт 22 фоизга ўсиб, 24 миллиард долларга етган бўлса-да, кўп раҳбарлар экспортда эскича иш улуғидан воз кеча олмаётгани мисоллар билан кўрсатиб ўтилди. Эндиликда экспорт бўйича талаб фақат ҳажм эмас, балки янги маҳсулот ва янги бозорлар бўйича ҳам бўлиши белгиланди.

Кичи бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, инфляцияга таъсир қилувчи омилларни олдиндан аниқлаб, амалий ечим топиш вазифалари ҳам белгилаб берилди.

Январь ойида йиллик инфляция 7,2 фоизни ташкил этгани, инфляциянинг 45 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобига, айниқса, 13 фоизи гўшт нархи ҳисобидан шаклланиши қайд этилди.

Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳузурдаги Тармоқ бозорлари ва меҳнат

унмдорлиги марказига инфляция бўйича ички ва ташқи хатарларни олдиндан аниқлаш, ҳар ҳафта туман ва шаҳар бозорларини таҳлил қилиш, талаб прогнозини шакллантириш ҳамда ҳар чоракда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари балансини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Кейинги ҳафтадан муборак Рамазон ойи бошланиши муносабати билан ички бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳамда барқарорлигини таъминлашга қаратилган вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Гўшда импортга қарамлиқни қисқартириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди. Муборак туманида 5 минг гектар ер фойдаланишга киритилиб, маккажўҳори экиш бошлангани намуна сифатида келтирилди. Жорий йил қўшимча 60 минг гектарда шу ишларни ташкил қилиш топширилди. Бу орқали қўшимча 350 минг чорва учун кафолатланган озуқа базаси яратилиши таъкидланди.

Шунингдек, утган йили 772 минг тонна картошка импорт қилингани қайд этилиб, жорий йилда 4,5 миллион тонна картошка ҳосили олиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Келгуси ҳафтадан бошланадиган муборак Рамазон ойи олдиндан деҳқон бозорлари ва йирик савдо комплексларида арзонлашган озиқ-овқат ярмаркаларини бошлаш бўйича топшириқ берилди.

Ийгиликда тармоқ ва худудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

ЎЗА



## 14 февраль – Захриддин Мухаммад Бобур таваллуд топган кун

**Т**арихда шундай шахслар борки, уларни фақат мутлола орқали англаб бўлмайди – уларни ҳис қилиш, қалбдан ўтказиш керак. Захриддин Мухаммад Бобур ана шундай мураккаб ва серқирра сиймолардан. Унда

подшоҳга хос қудрат, шоирга хос нозик туйғу ва мусофир тақдири мужассам. Бундай образни экран ёки сахнада ишонарли жонлантириш эса ҳар қандай актёрдан катта маҳорат ва ички тайёргарликни талаб этади.

*Ўзбек театр ва кино санъатида бу масъулиятни елкасига олиб, Бобурни шунчаки ижро этмаган, балки унинг руҳияти билан яшай олган санъаткорлардан бири – Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Халқаро Бобур мукофоти соҳиби Мухаммадали Абдуқундузовдир.*

# Ўша Мухаммад Бобур мен мен...



Шоҳ ва шоир бобомиз Бобур ҳазратларининг таваллуд кунлари арафасида Мухаммадали АБДУҚУНДУЗОВ билан суҳбатлашдик.

– Мухаммадали ака, театрдаги образларининг аксарияти маънавий кучли ва вазмин инсонлар. Бу характер хусусиятлари сизнинг асл табиатингизга қанчалик яқин?

– Ҳар бир асарнинг яратилиши, у фильми, сериали, спектакли, бунда энг тўғри иш – роллар тақсими. Режиссёр томонидан бажарилган тўғри тақсимот ижодий жамоанинг 80-85 фоиз муваффақиятини ташминлайди. Шунинг учун режиссёр актёрга роль бераётганда ўша образнинг характеридан келиб чиқади. Масалан, ўша пайтда Захриддин Мухаммад Бобур сиймосидаги баъзи бир фазилатларни режиссёр менда кўрган бўлса, ажаб эмас. Ўша Бобур ҳазратларидаги ва бошқа кўплаб ролларимдаги вазминлик менинг характеримга хос.

Аслида мен болалигимда ҳам унчалик хушчақчақ ўсим бўлган эмасман. Бобом катта чойхоначи бўлганлар. Мактабни битиргунча мана шу чойхонада улғайганман десам ҳам бўлаверади. Бобомнинг тўнғич ва энг севили неваралари бўлганим учунми беш ёшдан бошлаб у кишига дастёрлик қилганман.

8-синфда ўқиётганимда отам оғир касал бўлиб қолди. Ўша тўнғич фарзанд бўлганим учун олим: "Отан энди жисмоний ишга ярамайди, ўғлим, рўзгоринг ҳамма ташвиши сен билан менга қолди", деб қўлоғимга қўйдилар. Хўп бўлади, деб ойимга бозор ишларида ҳам қараша бошладим. Ойим тандирда нон ёпардилар, мен уларни сотиб келардим. Ҳар ойда илгирма қоллаб ун сотиб олардим. Шофёр амаки борда туриб, уларни елкамга ортиб кўра, мен хонлидаги ояморга ташир эдим. Тасаввур қилинг, суяги қотмаган йигитман, қоллар эса оғир. Лекин чидашга мажбур эдим. Яна далага чиқиб, ер чопардим, молларга хашак олиб келардим...

Амакимнинг китоб дўкони бор эди. Вақт топдим дегунча унинг олдига борардим. Ўзимга ёққан бирорта китобни сўрасам, майли, анави ерда ўн мингта дафтар бор. Ўшаларни ояморга ташиб, тахлаб бергин-да, кейин ўша китобни олиб кетарвер. Фақат кечаси билан ўқиб эртага олиб келиб берасан, тушундингми, дерди. Хурсанд бўлиб айтганини бажарар эдим. Ўйда

кечки овқатни еб бўлганимдан кейин дадам: "Яна китоб олиб келдингми, ўғлим?" деб сўради. Бошим билан тасдиқласам: "Майли, унда ташқарига чиққин-да, айвоннинг чироғида ўқийқол, буни ўчир, биз ухлашимиз керак", дердилар. Шундай қилиб, ёзми-қишми, ўзимни қизиқтирган асарларни қараб кечаси, ишдан бўшаганимда помидорке қазари ёниб турадиган хира лампочка остида ўтириб мутлола қилар эдим...

Хуллас, болаликдан ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотганман. Улар эса менинг характеримни шакллантирди. Фейлимдаги вазминлик, кўп ўй суришим ўша кунларнинг таъсири бўлса керак. Шунинг учун режиссёрлар менга Бобур ҳазратларининг образи каби салобатли, вазмин, жиддий, ўйланарли характерли ролларни беришса керак.

– Халқини Сизни Бобур сиймосида кўради. Бундай мураккаб ва тарихий шахс руҳиятини ҳис қилиш учун қандай изланишлар олиб боргансиз?

– 1985 йили Сурхондарё театрида ишлаб юрган кезларимда "Юлдузли тунлар" романи қўлимга тушиб қолди. Асарни ўқиган пайтимда-ёқ роман мени бутунлай ўзига ром этди. Озму қилардим, қаниди бизнинг Сурхондарё театрида шу асар сахналаштирилса-ю, Бобур родини мен ижро қилсам деб. Ҳатто тушларимга кириб чиқариб мана шу образ. Орадан маълум вақт ўтиб, газетада Мақсуд Юнусов шу асарни экранлаштиришга киришяпти, видеофильм яратмоқчи деган гапларни ўқиб қолдим.

Сурхондарёда касалхона бош шифокори, санъатга ошурфта Мусурмонқул ака деган танишим бор эди. Бир куни шу шифокор ака билан Термиз яқинида – Учқизил деган қўлга дам олгани бордик. Суҳбатлашиб ўтириб Бобур ҳақидаги видеофильмга танлов эълон қилингани, аммо менга шундай ролни ижро қилиш бахти насиб қилмагани оғзимдан чиқиб кетди. Шунда у: "Нега ундай дейсиз, ахир танлов энди бошланганидир-ку. Сиз ҳам боринг, талантли актёрсиз, режиссёрга учрашинг", деб қолди. Мен, йўғ-ей, Тошкентнинг ўзида

менман деган актёрлар туриб, мени олишармиди, десам, у яна мени кўндиришга уриниб кетди. Охири:

– Мухаммадали, мана қаранг, кимлар ўтмаган жойда турибмиз. Бу ёқдан кўёш ботиб келяпти. Мана бу тарафда эса Ҳақим ат-Термизийнинг макбараси. Келинг, бир дуо қилайлик, шу роль сизга насиб қилсин, – дедилар...

Шу билан бу воқеа ўтиб кетди. Йилнинг охирига келиб, мен Ҳамза театрига таклиф қилинишим керак эди. Бир-икки ой аввал Зикир Мухаммаджонов Термизга келганларида мени кўриб, шу гапни айтган эдилар. 1986 йилнинг январида Ҳамза театрига ишга келдим. Ўшанда "Бобур" видеофильмидаги ҳамма роллар тақсимланган, яқинда съёмкалар бошланади, дейишди.

Февраль ойида Марказқўмда катта пленум бўлди. Унда Пиримқул Қодиров ва "Юлдузли тунлар" романи қаттиқ танқид остига олинади. Кейин видеофильм съёмкаси ҳам тўхтатиб қўйилди. Нима айб тақалди денг? Босқинчини, Ҳиндистонни босиб олган инсонни ёзувчи бошига кўтариб мактайдди, унинг тақдири устида кўз ёши тўқади, дейилди. Шундай қилиб, тасвирга олишлар тўхтатилиб, костюмлар тарқатиб юборилди. Декорациялар бузиб ташланди...

Орадан икки йил ўтиб, видеофильмга рухсат бўлди. Собик иттифокнинг сўнги президенти Горбачёв даврида мамлакатда демократия бошланди. Ўшанда театримиз иккига бўлиниб қолган, актёрларнинг бир қисми Баҳодир Йўлдошев билан бирга "Еш гвардия" театрига ўтиб кетган кунлар эди. Шунда Пулат ака Носиров режиссёрга Бобур ролига мени синаб кўришни таклиф қилибди. Режиссёрнинг биринчи саволи шу бўлди: "Уйнай оласизми?". Мен айтдимки, бир нарса дёлмайман. Камера билан ишлашни ҳали яхши билмайман, десам, ўрганиб кетасиз, дедилар. Сиз билан синов учун бир лавха оламиз. Ўша Ойшабегим билан чимилдиқдаги суҳбат-диалогни, деди. Лавха олинди. Орадан бир ҳафта ўтган, бадий кенгашдан ўтганлигим ҳақидаги хушхабарни етказишди.

Эртасига режиссёрга учрадим. Мақсуд ака, мен ҳозир Бобурнинг болалик даврини оламан. Бир ойча вақт кетди. Унчага сиз ўн килога озишингиз керак, деди. Мен, Мақсуд ака, бир ойда шу даража озиб бўлмайди, десам, буниси энди сизнинг ташвишингиз, нима қилсангиз қилинг, дедилар.

Маслаҳат қилсам, бир суткада 200 грамм қайнатилган тузсиз гуруч ейиш кераклигини айтишди. Шундай қилиб, ўша муддатга ўн эмас, ўн бир килога озганман.

Олий ўқув юртида ҳам бу нарса-лар айтилиди: ҳар бир актёр бирор ролни ижро этишга киришар экан, ўша инсон ҳақида маълумотларни,

унинг ҳаётини ўрганишга ҳаракат қилиши керак. Менда ҳам катта имконият бор эди, "Бобурнома"ни қайта-қайта ўқидим. Бу асар менга жуда катта ёрдам берган. Чунки унда Бобур ҳазратлари ўз характери ва бор камчиликларини очиб-ойдин ёзган. Менимча бундай мард подшоҳ тарихда топилмас керак. Шоҳлар тарихчиларга китоб ёздиршади, улар бошдан-оёқ тахт эгасига ҳамду-санодан иборат бўлади.

Олдимда яна бир вазифа бор эди: Бобур ҳазратларининг асарларини, шеърятини ўрганиш, энг мураккаби, аруз вазидаги ғазалларини қиёмига етказиб ўқиш масаласи. Шукрим, талабаларда саҳна нутқидан яхши ўқиган эдим. Аммо шундай бўлса-да, университетга бориб, профессор домлардан сабоқ олдим, улар билан ҳам ишладим.

Самарқандга келиб, суратга олинган биринчи кун ҳаммамиз Ғури Амирга кириб фотиҳа ўқидик. Кейин мен ўзим ёлғиз қўлиб, алоҳида Қуръон тиловат қилдим. Соҳибқирон қабри олдида Худога илтижо қилдим. «Мана бу ерда абадий қарор топган улғур бир банданг – Амир Темирнинг авлодларидан бирининг ҳаётини элга кўрсатиб беришга киришганман. Унинг қўлла ва мендан марҳаматингни аяма», дея Ўзидан сўрадим.

Иш бошланди кетди. Кўпинча фильмга олиш ишларида, албатта, нимадир баҳона билан суратга олиш жараёнлари тўхтаб қолиши мумкин. Лекин ишонсангиз, ўн тўрт ой давомида суратга олиш ишлари давом этган бўлса-да, бирон марта тасвирга олиш тўхтаб қолмади, аксинча, иш жараёнлари ўз-ўзидан юришиб кетарди.

Уймдаги тумбочканинг устида доимо "Бобурнома" билан "Юлдузли тунлар" китоби турар эди. Тунда уйкум қочсам уларни олиб ўқирдим. Қўйинг-чи, ўн тўрт ой мен Бобур руҳи билан яшаганман. Бу йил ушбу видеофильмнинг илк намоишига 36 йил бўлди. 1990 йил 20 декабрдан 30 декабргача телевидениеда қўйилган эди. Мана ўттиз олти йилдирки, Бобур ҳазратларининг ёди билан яшаб келяман. Ўттиз олти йилдирки, Бобур ҳазратларига муносиб бўлишга ҳаракат қилиб келаман. Чунки машҳур тарихий қаҳрамонни ижро этиш санъаткор учун катта бахт.

*Мухаммадали Абдуқундузов – шунчаки актёр эмас. У – образга жон бағишлай оладиган санъаткор. Унинг Бобури эса кино тарихида абадий қоладиган титмос. У ролни ўйнамади – унда яшади. Бундай образ эса ҳеч қачон ўлмайди. Бугун Бобур ҳақида гап кетса, тарих китобидан аввал экрандаги ўша вазмин ниҳог, ўша маъноли овоз, ўша юракни эзувчи сукут ёдга тушади.*

*Бу – Мухаммадали Абдуқундузовнинг санъатдаги энг катта зафари.*

**Тўхтамурод ҲАСАНБОВЕВ,**  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

## Одамийлик шеваси

# ОРЗУЛАР ДАФТАРИ

Ота-оналарини Ҳиндистон сафаридан қутиб олган фарзандлар хонадонда ёзилган дастурхон атрофида жамландилар. Мурод ота ва Орзуғул ая шукроналар айтиб, фотиҳага қўл очиди. Катта келин икки қосада қатик келтирди. Сафрдан қайтганлар учун. Одат шунақа: узоқдан келганларга шароитга тез мослашиши учун қатик берилди. Дастурхон атрофида сайёҳларга фарзанду набиралар бири олиб, бири қўйиб, саволлар ёғдиришди:

– Сафарда қийналиб қолмадингизми?  
– Ҳиндистон ёқими?  
– Тож Маҳал ростдан ҳам зўр эканми?  
Фарзандлар ота-оналарининг таассуротларини мароқ билан тинглашарди.

Бу орада уйдагилар учун харид қилingan совға-саломлар ҳам улашилди, албатта. Кўп ўтмай, Орзуғул ая қийимларини алмаштириш баҳонасида ўз хонасига кириб кетди. Дастурхон атрофида эса самийий суҳбатлар, савол-жавоблар давом этарди. Мурод ота Бобур ва Бобуррийлар, Шоҳ Жаҳон ва Мумтоз Маҳал, Тож Маҳал обидаси ҳақида заъб билан гапирарди.

Орзуғул ая узоқ ҳаяллади. Катта қизи Гулбаданбегим онасидан хабар олгани унинг ётоғига кирди. Онаси ширин хаёллар оғушида экан, бирдан сергақланди. Қизини кўриб, қўлидаги дафтари эстиғининг остига яширди.

– Яширганнинг нима эди?

Она бироз ўнғайсизлангандек бўлди. Шу тобда хаёлларидан ўтганларини қизига айтсамки...

Мурод билан Орзуғул бир синфда ўқидилар эди. Орзуғул синфдаги қизлар ичиде сараси, боз устига, аълоҳиси ҳам эди. У, айниқса, адабиёт фанини жуда яхши кўрарди. Қишлоқда юмуш ҳар қанча кўп бўлмасин, китоб ўқишга вақт топарди. Дугоналарининг: "Китобдан нима маъни топасан?", деган саволига: "Яхши асар ўқисам, муқаймоқ ёндай бўламан. Китобдан муқаймоқнинг хиди келади", деб ҳазил аралаш жавоб берарди.

Ўша вақтларда қишлоқда муқаймоқ дегани анча тақчиллиги боис шундай деган бўлса керак-да. Ўзи ҳам шеърлар машқ қиларди. Мумтоз адабиёт намояндларининг ғазалларини ўқиганида, кўплар маҳлиё бўларди. Айниқса, Захриддин Мухаммад Бобур ғазалларини маромига етказиб ўқирди.

Ўша вақтларда мактаб дафтарларининг муқовасига буюк сиймоларнинг суратлари туширилган бўларди. Орзуғул эринмай шахарга бориб, Бобурнинг сурати бор дафтарлардан сотиб оларди. Унинг барча дафтарлари бир хил бўларди.

"Бобурнома"ни топиб, ўқиш унинг энг катта орзуси эди.

Орзуғулга эҳтиром ва илтифот билан гап ташлайдиган йигитлар анчагина эди. Улар орасида Мурод ҳам бор эди...

Мурод синфдошлари орасида ўқамлиги, бирсўзлиги билан ажралиб турарди. У аниқ фанларни хуш кўрарди. Лекин Орзуғул шەър ўқиганида, ўзини унутиб қўярди.

Мактабдаги тадбирларда Орзуғул ўқиган ғазалларни кутубхонага атай кириб, излаб топар, уларни қайта-қайта мутлола қиларди. Хаёлан ўзини лирик қаҳрамон титмосида, Орзуғулга эса маъшуқа сифатида қарарди.

Мактабни битиргач арафасида Мурод Орзуғулга бутунлай болганиб қолди. Орзуғулнинг йўлини пойлайдиган, ўқиган китобидан олган таассуротларини сўзлаб бериб, шеърлар ўқийдиган бўлди. Уларнинг орасидаги муносабатларда ўзаро хурмат ва самимият устунлик қила бошлади.

Пайт топиб, Мурод қалбидеги бокира туйғуларни изхор этди. Бирок ҳар сафар Орзуғулдан бир хил жавоб оларди: – Биз, яхшиси, дўст бўлиб қоламиз. Йиллар ўтиб, одамлар иккимизга «энг яқин беғоналар», деб баҳо берсинлар.

Мурод эса ўз мақсадига эришиш йўлида Орзуғулни ваъдаларга кўмиб



ташларди: осмондаги ойни олиб бераман; қафимда кўтариб юраман; сени дунёдаги энг бахтли аёл қиламан ва ҳоказо...

Аммо қайсар Орзуғулнинг жавоби битта ва қатъий эди.

Бир куни мактабдан қайтаётиб, гап айланиб яна адабиёт, шеърятга тақалди. Орзуғул Бобур ҳақида гапирди. Шунда Муроднинг хаёлида беҳосдан бир фикр яшиндек қаңнади!

– Агар таклифимга кўнсанг, сени Тож Маҳалга олиб бораман!

– Алдаман! – қиз йигитнинг кўзларига ярқ этиб қаради. Орзуғул бу сўзни шу қадар ғалати оҳанда айтдики, ўзи уялиб кетди. Ишқилиб, Мурод сезиб қолмаган бўлсин-да.

Дунёдаги мўъжизаларнинг бири сифатида баҳоланган Тож Маҳални кўриш

Орзуғулнинг орзуси эди, ахир! Унинг ҳаммадан яшириб юрадиган дафтари бўларди. Унга содда ва лўнда қилиб, қалбининг қаъридаги ниятларини ёзиб юрарди. Ана шу ниятлар орасида Тож Маҳални кўриш истаги ҳам бор эди. Дафтаридаги битикларни ҳаммадан сир тутарди – ўта махфий сақларди.

Ўшанда кимдандир эшитган бир гап унга жуда маъқул келганди. Эмишки, дунё аҳли икки тоифага бўлинади: Тож Маҳални кўрганлар ва Тож Маҳални кўрмаганлар.

Орзуғул биринчи тоифадагилар қаторида бўлишни жуда-жуда истарди.

Қаранки, биргина шу ваъда туйфайди вақти келиб, Мурод билан турмуш курди. Уй-жойли, бола-чақали, обрў-эътиборли бўлди. Туйлар қилди, фарзандларининг камолини кўрди ва кўрмоқда.

Аслида дафтаридаги ижобат бўлган наватбадга орзусини белгилаб қўлгани, Яратганга шукрона айтгани хонасига кирганди.

– Берикитангингиз нима эканлигини биламан, ойижон, – деди Гулбаданбегим. – У орзуларингиз битилган дафтар!

– Кўрганмидингиз?

– Йўқ.

– Унда қандай билдингиз? – сўради онаси.

– Шундай дафтар менда ҳам бор...

Она-бола бир-бирларига маъноли тикилиб қолишди. Гулбаданбегим ўша кунни ўз уйига қайтган, вақти-соати келиб, орзуларим баён қилган дафтариمنى набираларимга ўқиб бераман, дея кўнглига тугиб қўйди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ**



Muassis:

**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV  
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV  
Ummat MIRZAQULOV  
G'afurjon MUHAMEDOV  
Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV  
Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV  
Uskenboy ATEMOV  
Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV  
Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV  
Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,  
nashr uchun mas'ul:  
Suhrobjon SADIROV  
Mas'ul kotib:  
Alloma AZIZOVA  
Navbatchi:  
Nozima RASULOVA  
Ekspeditor:  
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:  
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:  
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:  
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 22:20.  
Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-235.  
8 410 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A–2.  
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,  
Ittifoq ko'chasi, 2.  
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.  
Korxonaning manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.